

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НАВРУЗОВ НУРАЛИ ИТОЛМАСОВИЧ

БУЗОҚЛАР КОЛИБАКТЕРИОЗИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ
ВА ИММУНОПРОФИЛАКТИКАСИДА ХИТОЗАН ПРЕПАРАТИНИНГ
РОЛИ

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;
16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БҲИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Наврузов Нурали Итолмасович

Бузоклар колибактериозининг патоморфологияси ва
иммунопрофилактикасида Хитозан препаратининг роли..... 3

Наврузов Нурали Итолмасович

Роль препарата Хитозан при патоморфологии и в
иммунопрофилактике колибактериоза телят..... 21

Navruzov Nurali Itolmasovich

Patomorphology of colibacillus calves and the role chitozan drug of
immunostimulants in its prevention..... 39

Эълоикилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

+

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**


ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НАВРУЗОВ НУРАЛИ ИТОЛМАСОВИЧ

**БУЗОҚЛАР КОЛИБАКТЕРИОЗИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ
ВА ИММУНОПРОФИЛАКТИКАСИДА ХИТОЗАН ПРЕПАРАТИНИНГ
РОЛИ**

- 16.00.02 – Хайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.
Ветеринар акушерлиги ва хайвонлар репродукцияси биотехникаси;
16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/V4 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ҳамда «ZiyoNet.uz» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: Элмуродов Бозорбой Ақтамович
ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим
Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Дилмуродов Насриддин Бабакулович
ветеринария фанлари доктори, профессор
Аҳмедов Баходир Назарович
ветеринария фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» 01 соат «14⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-77-86; e-mail: samvmi@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танилиш мумкин (11280 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: факс: (99866) 234-77-86).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «29» 12 даги № 17 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, в.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё мамлакатларида чорвачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, чорвачилик маҳсулотларига (гўшт, сут, тухум) бўлган талабни кондириш долзарб масала ҳисобланади. Чорвачиликнинг ривожланишида турли юкумли ва юкумсиз касалликлар тўқинлик қилувчи асосий омиллардан саналади. Жумладан, «Бузоқларнинг колибактериози чорвачиликда кенг тарқалган бўлиб, ошқозон-ичак тракти дисфункцияси симптомлари билан тавсифланади ва касалликлар пчида энтеротоксигенлиги ва тарқалиш даражаси бўйича Канадада 11-29%, АКШда 13-50,8%, Голландияда 6%, Францияда 58%, Англияда 4%, Австралияда 6 ва Исроилда 6-47% ни ташкил қилади»¹.

Дунё микёсида бузоқлар колибактериозини ташхислаш, замонавий усулларда даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Сўнги йилларда соҳа олимлари томонидан иммунитетни рағбатлантирувчи дори воситаларини кимёвий полимерларга улаш асосида қўйи молекуляр моддаларни юқори молекуляр бирикмалар билан боғлаш орқали янги бир йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида комбинацияланган ушбу дори воситаларининг таъсир кучи ва дозаси спектрини кучайтиришга, янги препаратларнинг сарфи ва даволаш харажатларининг камайирилишига ҳамда пролонгацияланишига эришилди. Полимерланган ва пролонгацияланган стимуляторларнинг организмга таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг микёсида ўрганилмоқда.

Республикамызга хорйждан келтириладиган насли хайвонлар бош сонини қўлайтириш, уларнинг юкумли, юкумсиз касалликларини олдини олиш ва даволашдаги тизимли тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган»². Бу борада, бузоқлар колибактериозини ташхислаш, олдини олиш ва замонавий усулларда даволаш мақсадида полимерли препаратларнинг организмга таъсирини ўрганиш ва уларни ветеринария амалиётига татбиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Бессарибов Б.Ф., Воронян Е.С. в др. Инфекционные болезни животных // Под ред. А.А.Сидорчука. -М.:Колос, 2007. - С. 671-674.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш Стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бузоқлар колибактериозининг тарқалиши, турли ҳайвон ва паррандаларда учраши, клиник белгилари, патоморфологик ўзгаришлари, ташхислаш, даволаш ва қарши кураш энзоотик, спорадик ва яққа ҳолатларда учраши, тарқалиш даражаси ва тезлиги, қамраб олиш радиуси фақат касаллик этиологиясига боғлиқ бўлиб қолмасдан, унга ёрдамлашувчи шароитларга ҳам боғлиқ муаммолар бўйича илмий-тадқиқотлар бир қатор хорижий олимлар, жумладан, L.L.Myers, L.Gerny, S.D.Acres, N.Pavlov, M.Pau, P.Pohl., J.L.Tomas, C.W.Purdy, D.C.Straus, B.A.Шубин, К.А.Кашкинбаев, В.П.Урбан, ҳамда республикамиз олимлари И.Д.Бурлуцкий, А.К.Ситдиқов, Ф.И.Ибодуллаев, Т.И.Йулдошев, А.Абдусаттаров, Б.А.Элмуродов, Ж.М.Парманов, С.Н.Болтаев ва С.Ҳ.Абдалимовлар томонидан олиб борилган ва илмий жиҳатдан асосланган назарий ва амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Республикамизда наслик бузоқлар колибактериозини олдини олишда эмламалар таркибини экологик жиҳатдан тоза, биологик фаол, маҳаллий иммуностимулятор воситалар билан бойитиш ва даволаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг №ҚФ5-012 «Маҳаллий полимерли дори-воситаларини қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ички аъзоларига таъсир механизмини илмий-назарий асослаш» (2012-2017 йй.), №БВ-ҚХА-2018-13 «Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг юқумли пастереллэз, колибактериоз ва сальмонеллэз касалликларини олдини олиш ва даволашнинг илмий асосланган воситаларини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал ҳамда амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бузоқлар колибактериозининг патоморфологик диагностикасини ишлаб чиқиш, касалликнинг олдини олиш ва даволашда хитозан асосидаги иммуностимуляторларнинг родини илмий асослаш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикамизнинг айрим ҳудудларида хориждан келтирилган маҳаллий колибактериоз штамлари билан зарарланган наслик бузоқларнинг клиник белгилари, тарқалиши ва патоморфологик ўзгаришларни тадқиқ қилиш;

нанополимер хитозан асосли эритмаларининг колибактериоз қўзғатувчисига бактериостатик ва бактерицид таъсирини аниқлаш;

хитозан сукцинат ва колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ассоциациясининг бузоқлар организмиде имун самарадорлигини аниқлаш;

колибактериоз билан зарарланган бузоқларни “Гипериммун қон зардоби” билан даволаш самарадорлигини аниқлаш;

бузоқлар колибактериозининг патоморфологик диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика чорвачилик хўжаликларида келтирилган 1200 бош бузоқ, қўй-қўзи, қуён, шунингдек, қон, касалланган тўқима намуналари, гистологик ва гистокимёвий препаратлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети колибактериоздан зарарланган бузоқ, қўй-қўзи, қуёнларнинг клиник, морфологик, биокимёвий, микробиологик, иммунологик ва патологоанатомик кўрсаткичлари, касалликни даволаш ва олдини олиш учун нанополимер хитозан сукцинат препарати, колибактериозга қарши фаолсизлантирилган ГОА формол вакцина.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик, патологоанатомик, гистологик ва иммуногистокимёвий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

республикада худудларида насли бузоқлар колибактериозини тарқалишининг ўзига хос мавсумийлиги ва ёшга боғлиқлиги аниқланган;

нанополимер комплекс иммуностимуляторли хитозан препаратининг *E.coli* бактерияларига бактериостатик ва бактерицид таъсир этиши аниқланган;

колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат (4%) ассоциацияси билан эмланган бузоқ, қўзи ва қуёнлар организмда С-реактив оқсил, IgM ва IgG иммуноглобулинлар миқдори ва антителолар титри (1:1600 гача) одатий вакцинацияга нисбатан юқори бўлиши аниқланган;

бузоқларнинг колибактериоз ва сальмонеллезини даволовчи гипериммун қон зардоби тайёрлаш учун комплекс бактерия антигени олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

Нанополимер комплекс иммуностимулятор хоссали хитозан сукцинат препаратининг қишлоқ хўжалик ва лаборатория хайвонлари организмга аллергик, токсик ва денатурациялаш хусусиятлари йўқлиги аниқланган;

насли бузоқлар колибактериозининг патологоанатомик, гистологик, серологик, иммунологик усуллар ёрдамида ташхислаш илмий асосланган;

бузоқларга колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциацияси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган поствакцинал иммунитет самарадорлик аниқланган;

бузоқлар колибактериози ва сальмонеллезини гипериммун қон зардоби қўллаш ёрдамида самарали даволаш услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тажрибаларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил қилинганлиги, Ветеринария илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси

томонидан илмий-тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нанополимеркомплекс иммуностимуляторли хитозан сукцинат эритмасининг қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари организмга таъсири ўрганилиб, организм резистентлигидаги ижобий ўзгаришлар, хужайра ва тўқималардаги патоморфологик ўзгаришлар ҳамда гематологик таҳлиллар асосида колибактериозга ташхис қўйиш услуги илмий асосланганлиги, шунингдек мазкур препаратнинг бузоқлар колибактериозини иммунопрофилактика қилиш самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нанополимеркомплекс хитозан препаратлари ($\text{Хз:CH}_3\text{COOH}$ (2%), Хз:Нано , Хз:Со , Хз:Ag , Хз:сукцинат) орасидан Хз:сукцинат препаратининг қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари организмга аллергик ва токсик таъсири йўқлиги, *E.coli* бактерияларига ижобий бактериостатик ва бактерицид таъсири, иммуностимуляторлик хусусияти юқорилиги ҳамда бузоқларни колибактериоздан даволаш ва олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бузоқлар колибактериозининг патоморфологияси ва уни профилактика қилишда иммуностимуляторларнинг роли бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Бузоқларнинг колибактериоз ва сальмонеллёзини даволовчи гипериммун қон зардоби учун комплексли бактерия антигенини олиш усули» ишлаб чиқилган ва Республика Интеллектуал Мулк Агентлигидан «Ихтиро»га патент (№IAP 06162) олинган. Натижада колибактериоз билан зарарланган бузоқларни даволаш самарадорлиги 90% дан юқори натижага эришилган.

«Бузоқлар колибактериозининг патоморфологик диагностикаси, профилактикаси ва даволаш бўйича тавсиянома» тасдиқланган ҳамда Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг қорамолчилик фермер хўжалиқларига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/23-273-сон маълумотномаси). Натижада бузоқлар колибактериозини гипериммун қон зардоби билан даволаш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган;

бузоқлар колибактериозини олдини олишда колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясини қўллаш усули ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/23-273-сон маълумотномаси). Натижада эмланган 1949 бош бузоқлар организмнинг иммун тизими барқарорлашиб, қўлланилган вакцинанинг поствакцинал иммунфаоллиги самарадор бўлишига эришилган;

колибактериоз билан зарарланган насли бузоқларни гипериммун қон зардоби билан даволаш усули жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни

ривожлантириш давлат кўмитасининг 2021 йил 16 сентябрдаги 02/23-273-сон маълумотномаси). Натижада колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат (4%) ассоциациясининг иктисодий самарадорлиги 1 сўм харажатга 4,5 сўм фойда олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 та хорижий, 4 та республика илмий журналларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 монография ва 1 тавсиянома чоп этилган ҳамда 1 ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг дозарблиги ва зарурати, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазибалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Бузоқлар колибактериозининг патоморфологияси ва иммунопрофилактикасида Хитозан препаратининг роли бўйича адабиёт маълумотлари таҳлили» деб номланган биринчи бобда бузоқлар колибактериозининг тарқалиши, касалликнинг патоморфологияси, гомеостаз ва унинг бузилишига олиб келадиган омиллар, иммуностимуляторларнинг бузоқлар организмга таъсири ҳамда касалликни олдини олишдаги самарадорлиги, даволаш бўйича хорижий ва республикада олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари баён қилинган.

Адабиёт манбаалари таҳлиliga кўра, бузоқлар колибактериози ўткир оқимда кечувчи юқумли бактериял касаллик ҳисобланиб, ёш хайвонлар орасида, айниқса кенг тарқалганлиги ва ички аъзоларда, жумладан ошқозон-ичак, ўпка, жигар ва юракда патологик жароҳатлар ҳосил қилиши билан тавсифланади. Хитозан препарати ва аналогларининг ферментлар фаоллигини

ошириши, жароҳатланган туқималарни ва яраларни тезда битишига олиб келиши ҳақида манбааларда ёритилган. Бироқ, бу масалалар бузоқлар колибактериозини даволаш ва профилактика қилишда етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб Ветеринария илмий тадқиқот институтининг микробиология лабораторияси ҳамда Республикамизнинг 5 та вилоятдан келтирилган 1200 та патологик намуна устида патоморфологик, патогистологик ва бактериологик текширилган ҳайвонлар танлаб олинган. Колибактериоз кўзгатувчиси *E.coli* га қарши нанополимер хитозан асосидаги 5 хил препаратнинг (Хз:CH₃COOH(2%), Хз:Нано, Хз:Со, Хз:Ag, Хз:сукцинат) бактериостатик ва бактерицид таъсирини тадқиқ этиш, қаттиқ озука муҳитларида колибактериоз кўзгатувчисининг хитозан эритмаларига сезувчанлигини ўрганиш, куёнлар организмида колибактериозга қарши вакцинанинг иммун самарадорлигини хитозан сукцинатни қўшган ҳолда ўрганиш, кўзилар колибактериозига қарши вакцинанинг самарадорлигини хитозан сукцинатни қўшган ҳолда ўрганиш, самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар материал ва услублар бобида баён қилинган.

Диссертациянинг «Маҳаллий полимерли препаратларнинг колибактериоз кўзгатувчиси ва ҳайвонлар организмига таъсири» деб номланган учинчи бобида нанополимер комплекс хитозан асосидаги иммуностимуляторларнинг колибактериоз кўзгатувчисига бактерицид ва бактериостатик таъсирига оид танланган хитозан сукцинат препаратининг куёнлар организмига аллергик ва токсик таъсирини аниқлаш, куёнлар колибактериозини олдини олиш ва полимерли препаратлар билан даволаш самарадорлиги, шунингдек, кўзилар колибактериозининг профилактикасида иммуностимулятор хусусиятли хитозан сукцинат эритмасининг таъсири, кўзиларнинг колибактериозига қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясининг иммуногенлик хусусиятларини лаборатория шароитида синаш натижалари баён қилинган.

1-жадвал

Хитозан асосли препаратларнинг колибактериоз кўзгатувчисига бактериостатик ва бактерицид таъсири.

№	Препаратларнинг номи	Суюлтириш даражалари	
		Бактериостатик фаоллиги	Бактериоцид фаоллиги
1	Хз: CH ₃ COOH(2%)	1:32	1:16
2	Хз: Нано	1:16	1:4
3	Хз: Со	1:4	1:2
4	Хз: Ag	1:64	1:32
5	Хитозан сукцинат	1:64	1:16

1-жадвал маълумотларига кўра қўлланилган иммуностимуляторлар орасида хитозан сукцинатнинг бактериостатик самарадорлиги юқорилигини инобатга олиб, препаратнинг куёнлар организмига аллергик ва токсик

таъсирини аниқлаш, кон зардоби таркибидаги ацетилхолинэстераза ва холинэстераза ферментлари миқдори таҳлил қилинган.

Конда ацетилхолинэстераза ферментининг фаоллиги тажриба бошланишидан олдинги кўрсаткичга нисбатан 7 фоизга ($P < 0,05$), эритроцитларнинг осмотик резистентлиги 9 фоизга ($P < 0,05$) пасайган. Хитозан биринчи кундаёқ конда ацетилхолинэстераза ферментининг фаоллиги кескин камайтирган, эритроцитлар, гемоглобин ва метгемоглобин миқдорининг кўпайиши кузатилган. Препарат юборилгандан сўнг 20 кун ўтгач ацетилхолинэстераза ферментининг фаоллиги дастлабки кўрсаткичдан 11 фоизга ($P < 0,05$) паст бўлган.

Шундай қилиб, олиб борилган гематологик ва биокимёвий текширишлар хитозан сукцинат юборилган куёнлар организмда ацетилхолинэстераза ферменти фаоллигининг кескин пасайиши ва конда ацетилхолин медиаторининг кўпайганлигидан далолат беради. Конда эритроцитлар, лейкоцитлар сони ва гемоглобин миқдорининг ошиши организмда иммунитетни кўтарилишига олиб келган.

Куёнлар организмда колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциацияси самарадорлигини ўрганиш бўйича 2 хил тажриба ўтказилди.

I тажриба: 9 бош куёнда олиб борилди. Бунинг учун тирик вазни 2,0-2,5 кг бўлган соғлом куёнларни 3 бошдан 3 гуруҳга тақсимланди.

I гуруҳга 1 мл хитозан сукцинат (4%) ва колибактериознинг ГОА формол ассоциацияли вакцинасидан бир марта тери остига юборилди.

II гуруҳга фақат колибактериозга қарши ГОА формол вакцинасидан 1 мл миқдорда бир марта тери остига юборилди.

III гуруҳ назоратда бўлиб, уларга ҳеч қандай препарат ва вакцина юборилмади.

Эмлангандан сўнг 21 кун ўтгач барча куёнлар *E.coli* нинг 1 млрд микроб тана (т.н.) миқдорида тери остига юктирилди. Тажриба давомида I ва II гуруҳ куёнларида клиник белгилар пайдо бўлсада, ўлим кузатилмади.

III назорат гуруҳидаги барча куёнлар колибактериоз билан касалланиб, 3-7 кун ичида ўлди. Улган куёнларнинг ички аъзолари патологонатомик, гистологик ва бактериологик текширилди.

Шундай қилиб, колибактериозни олдини олишда вакцина ва хитозан сукцинат ассоциацияси билан эмланган тажриба гуруҳи ҳайвонлари организмдаги иммун самара, фақат вакцина билан эмланган гуруҳ тажриба ҳайвонларига нисбатан иммуногенлиги юқори эканлиги кузатилди.

II тажриба: 9 бош куён 3 бошдан 3 гуруҳга тақсимланди. I гуруҳ куёнларига колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясидан 1 мл дан икки марта, II гуруҳ куёнларига колибактериозга қарши ГОА формол вакцинасидан 1 мл дан икки марта 10 кун оралиқда тери остига эмланди. Эмлангандан сўнг 3 ой ўтгач ҳар учала гуруҳ ҳам колибактериоз кўзгатувчиларининг LD_{100} (1 млрд микроб тана) миқдори билан юктирилди.

Куёнлар колибактериозига қарши ГОА формол вакцинанинг 3 ойлик поствакцинал иммуногенлик хусусиятларини ўрганиш натижасида куёнлар кон зардобида *E.coli* га қарши махсус антителолар титри I тажриба гуруҳида 15 кунликда 1:50, 30 кунликда 1:400 ва 60 кунликда 1:1600, 90 кунликда 1:1600 ни ташкил этди. *E.coli* га қарши махсус антителолар титри II тажриба гуруҳида 30 кунликда 1:200, 90 кунликда 1:800 ни ташкил этди. III Назорат гуруҳидаги куёнларда титр миқдори паст бўлди.

Эмлашдан сўнг 21 кун ўтгач ҳар бир гуруҳ куёнларидан кон намуналари олиниб, агглютинация, иммуноглобулин-М, иммуноглобулин-Г, С-реактив оксилга (СВР) текширилди. Унга кўра, агглютинация реакцияси ўртача I гуруҳда 1:1067, II гуруҳда 1:800, III гуруҳда эса 1:25 титрни ташкил этди.

Тадқиқотларда I гуруҳ куёнлар организмида (вакцина+Хз:сукцинат), II гуруҳ (вакцина билан эмланган) ва назорат гуруҳларига нисбатан иммуноглобулинлар ва С-реактив оксил анча юқорилиги аниқланди. Тадқиқотлар натижасида куёнларнинг колибактериозига қарши ГОА формол вакцина ва Хз:сукцинат қўшилган вакцинанинг 3 ойлик иммун самарадорлиги фақат вакцина қилинган гуруҳга нисбатан иммуногенлиги юқори, назорат гуруҳидан эса кескин фарқ қилганлиги аниқланди.

Хулоса қилиш мумкинки, куёнлар колибактериозини профилактика қилишда ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциацияси одатий ГОА формол вакцинага нисбатан иммун фаол эканлиги аниқланди.

9 бош кўзиларда колибактериозга қарши ГОА формол вакцина билан Хз:сукцинат ассоциациясининг профилактик самарадорлиги ўрганилди. Бунинг учун кўзилар 3 бошдан 3 гуруҳга тақсимланиб, I гуруҳга колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясидан 2 мл (ревакцинация 3 мл вакцина+хитозан сукцинат), II гуруҳ колибактериозга қарши ГОА формол вакцинадан 2 мл (ревакцинация 3 мл) миқдори 14 кун оралиқда тери остига эмланди. III гуруҳ назорат бўлиб, уларга ҳеч қандай препарат юборилмади. Барча гуруҳ кўзилар тажрибанинг 21 кун *E.coli* нинг 25 млрд микроб тана миқдори қорин бўшлиғига юқтирилди. Юқтирилгандан сўнг I ва II гуруҳларда ўлим кузатилмади, II гуруҳда кузатишнинг 3-4-кунлари бир бош кўзида касаллик белгилари пайдо бўлди. Назоратдаги барча кўзиларда 5-8-кунлари касаллик аломатлари кузатилди ва нобуд бўлди.

Тадқиқотларда тажриба ва назорат гуруҳидаги кўзилардан олинган кон зардобида иммуноглобулинлар IgM, IgG ва серологик агглютинация реакцияси асосида таҳлил қилинди. I гуруҳ ҳайвонларида ўртача (AP) титри тажрибадан олдин 1:91,7 ни, эмлашдан кейин эса 1:1333, яъни эмлашдан кейин титр 14,54 марта ортган, II гуруҳда ўртача (AP) титри тажрибадан олдин 1:58,3 ни, эмлашдан кейин эса 1:667, яъни эмлашдан кейин титр 11,44 марта, I гуруҳнинг II гуруҳга нисбатан эмлашдан кейинги титри 2 марта ортди.

Шундай қилиб, колибактериоз билан касалланган майда шохли ҳайвонлар организмида ўзига хос ўзгаришлар кузатилди. Кўзиларнинг турли ички аъзоларида гемодинамик, дистрофик жараёнлар кучли ривожланган бўлиб, бу ўзгаришлар ўткир кечди. Шунингдек, ГОА формол вакцина ва Хз:сукцинат ассоциациясини тери остига юборилганда самарадорлик 93,6% бўлиши ҳамда

агглютинация реакция титри ва ҳайвонлар организмнинг иммун тизими барқарорлиги, колибактериозга қарши ГОА формол вакцина қўлланилган II гуруҳга (самарадорлик 87,4%) нисбатан иммун фаоллиги юқори эканлиги ўрганилди.

Колибактериозга қарши ГОА формол вакцинанинг поствакцинал иммунитет давомийлиги ва турғунлигини ўрганиш мақсадида ВИТИ микробиология лабораториясида мавжуд 9 бош қўзилар 3 бошдан 3 гуруҳга тақсимланди. I-гуруҳга ГОА формол вакцинаси ва хитозан сукцинат ассоциациясидан 14 кун оралиқ билан икки марта: биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл миқдорда тери остига эмланди. II-гуруҳга колибактериознинг ГОА формол вакцинасидан 14 кун оралиқ билан икки марта: биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл миқдорида тери остига эмланди. III-гуруҳ назорат бўлиб, уларга ҳеч қандай препарат эмланмади. *E.coli* қўзғатувчиларининг LD₁₀₀ (25 млрд микроб тана) миқдори 12 ойдан сўнг ҳар учала гуруҳга бир вақтда юктирилди.

Вакцина билан эмлангандан сўнг 30-, 60-, 90-, 180- ва 360-кунлари тажрибадаги қўзилар қон зардобидаги *E.coli* га қарши махсус антителолар динамикаси ўрганилди. Антителолар титри ўртача I гуруҳда 30 кунлик муддатда 1:400, 60 кунда 1:800 ва 90– 1:1333, 180– 1:667, 360 кунликда 1:533 ни, II гуруҳда 30 кунлик муддатда 1:200, 60 кунда 1:533 ва 90– 1:667, 180– 1:533 ва 360 кунликда 1:333 ни ташкил этди. III назорат гуруҳи учун тажрибанинг 5-7-кунлари ҳаммаси *E.coli* дан зарарланиб ўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Эмланган қўзилар қон зардобида *E.coli* га қарши антителолар титри динамикаси (AP)


Гуруҳлар	Бош сони	Тажрибагача	Кунлар (вакцинациядан кейин)				
			30 кун	60 кун	90 кун	180 кун	360 кун
I-гуруҳ тажриба (вакцина+ хитозан сукцинат)	3	1:25	1:400	1:800	1:1600	1:1600	1:800
		1:25	1:400	1:800	1:1600	1:1600	1:800
		1:25	1:200	1:800	1:1600	1:1600	1:800
ўртача кўрсаткич		1:25	1:333	1:800	1:1600	1:1600	1:800
II-гуруҳ тажриба (вакцина)	3	1:25	1:200	1:400	1:1600	1:800	1:400
		1:50	1:400	1:800	1:1600	1:1600	1:800
		1:25	1:200	1:400	1:1600	1:1600	1:400
ўртача кўрсаткич		1:33	1:267	1:533	1:1600	1:1333	1:533
III-гуруҳ назорат	3	1:25	—	—	—	—	—
		1:50	1:25	—	—	—	—
		1:25	—	—	—	—	—
ўртача кўрсаткич		1:33	—	—	—	—	—

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида I гуруҳ қўзиларида қўлланилган колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясининг 12 ойлик поствакцинал иммун самарадорлиги бошқа гуруҳларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Бузоқлар колибактериозининг тарқалиши, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари, даволаш ва иммунопрофилактик самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида бузоқлар колибактериозининг мавсумий ва ёшга оид динамикаси, табиий шароитда *E.coli* дан зарарланган насли бузоқларнинг клиник белгилари ва тарқалиши, колибактериоздан ўлган бузоқлар организмдаги патоморфологик ва патогистологик ўзгаришлар, *E.coli* юктирилган бузоқлар қонининг лейкограммаси, сув-электролит алмашинуви, биокимёвий кўрсаткичлари, хитозан сукцинат препарати қўлланилган бузоқлар ошқозон – ичак трактидаги гистоморфологик тафсилотлар, бузоқларнинг колибактериозига қарши (4%) хитозан сукцинат ва ГОА формол вакцина ассоциациясининг иммуногенлик хусусиятларини ҳўжалик шароитида синаш натижалари, шунингдек колибактериоз билан зарарланган бузоқларни гипериммун кон зардоби ёрдамида даволаш самарадорлигига оид маълумотлар келтирилган.


Республиканинг чорвачилик ҳўжаликларида 2013-2019 йиллар давомида бузоқ ва қўзиларни колибактериоз билан зарарланиш даражаси ва тарқалиши Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари чорвачилик ҳўжалик ҳамда комплексларида ўрганилди. Худудларда бузоқларнинг касалланиши жами текширилган бош сонига нисбатан 1,0-75,0 фоизни ташкил этиб, касалликдан ўлган бузоқлар 0,1-12,5 фоиз атрофида бўлганлиги аниқланди.

Бузоқларнинг колибактериоз билан зарарланиш динамикаси ва ўлиш даражаси инфекциянинг мавсумийлик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, декабрь-март ойларида энг юқори кўрсаткичларни ташкил қилди. Йил давомида текширилган 701 бош (100%) бузоқдан 574 боши (81,8%) айнан шу даврга тўғри келди. Касалланишнинг ортиб бориши ноябр ойидан февралгача бўлиб, март ойидан яна камайиб бориши кузатилди, май-октябрь ойларида умумий хайвонлар сонига нисбатан касалланиш 18,2 фоизни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Ойлар бўйича бузоқларнинг *E.coli* билан зарарланиш ва нобуд бўлиш динамикаси

3-7 кунлик бузоқларда касаллик ўткир оқимда кечиб, ич кетиши ва организмнинг сувсизланиши, енгил фалаж, томир тортиши билан тавсифланди. Туғилгандан кейинги 1-7-кунларда 62,3 фоизгача касалланиш ёки уларнинг 37,8 фоизда ўлим содир бўлиши кузатилди, кейинги кунларда касалланиш миқдори камайиб, 22-30 кунларда 5,3 фоизни ташкил этган бўлса, уларнинг 9,3 фоизда ўлим ҳолатлари кузатилганлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Бузоқларни E.coli билан зарарланиши ва нобуд бўлишининг ёшига боғлиқлиги

Бузоқларнинг колибактериоз билан зарарланиши ва ўлишининг ёшга боғлиқлиги статистик таҳлил қилинганда, уларнинг ўртасида йўналишига кўра тескари, аналитик ифодаланишига кўра, тўғри чизиқли боғлиқлик ($y=a+bx$; $r>-0,7$) мавжудлиги, корреляция коэффицентининг юқорилиги аниқланди. Туғилишнинг дастлабки 1-7-кунларида касалланиш ва ўлим ҳолатлари юқори бўлиши муқаррарлиги статистик жиҳатдан ҳам исботланди.

Шундай қилиб, текширилган барча ҳудудларда бузоқларнинг колибактериози кузатилиб, касалланиш асосан қиш-баҳор ойларига тўғри келиши ва туғилишнинг дастлабки 1-2-ҳафталарида касалланиш ҳамда ўлимнинг кўпроқ содир бўлиши кузатилди.

Ёш жиҳатдан фарқ қиладиган уч гуруҳ, жумладан 5-30 кунлик (I гуруҳ), 1-3 ойлик (II гуруҳ) ва 3 ойдан катта ёшли ўлган насли бузоқлар организмда куйидаги патологоанатомик ва гистологик ўзгаришлар аниқланган:

I гуруҳ 5-30 кунлик бузоқлар гавдаси ёриб текширилганда жуда характерли патологоанатомик ўзгаришлар кузатилди. Мазкур бузоқлар гавдаси жуда ҳам ориқ, барча қўрнарли шиллик пардаларида нуқтали қон куйилишлар, бурун бўшлиғида кўпиксимон суюқлик тўпланиши, конъюнктивда гиперемия, анал тешиги атрофи ифлосланган ва шиллик пардаси қизарган. Ёриб

кўрилганда тери ости клетчаткаси қизарган, қон томирлари қонга тўлган, шиллик пардалари гиперемияга учраган.

Қорин бўшлиғида сариқ-қизил рангли 100-300 мл атрофида зардобли суюқлик тўпланган. Жигар катталашган, юзасида нуктали қон қуйилишлар, четларида некротик ўчоқлар кузатилди. Талок 1,5 мартагача катталашган, йирик нуктали, баъзи бузоқлар талоғида доғли қон қуйилишлар кўринди, консистенцияси сўлғин, кесиб кўрилганда пульпа кесмалари юзасига бўртиб чиқди. Буйрақлар катталашган, юзасида қон қуйилишлар, қон турғунлиги, капсуласи осонлик билан ажралади, қаватлар орасидаги чегараси ноаниқ.

Кўкрак бўшлиғида 100 мл гача қизил ёки сариқ экссудат тўпланган. Плеврада майда нуктали қон қуйилишлар мавжуд. Юрак миокарди сўлғин, қоринчалари қонга тўлган, эндокарда нуктали қон қуйилишлар кузатилди. Ўпка эмфиземага учраган, қон томирлари турғун, капсула остида нуктали қон қуйилишлар, кесиб кўрилганда бронхларида кўпикли экссудат тўпланган. Баъзи бузоқларда некротик пневмония ва плевропневмония ривожланган.

Шундай қилиб, бузоқларда патологоанатомик ўзгаришлар бироз мураккаб ва чуқурлиги билан тавсифланади. 5-30 кунлик бузоқларда ўлим катта ёшдагиларга нисбатан кўп, патологоанатомик ўзгаришлар ҳам бироз фарқ қилади.

II гуруҳ колибактериоз билан зарарланган 1-3 ойлик бузоқлар ёриб кўрилганда, тери ости қон томирларининг тўлақонли, тери ажратилганда қурак олди, бўйнининг пастки қисмлари ва четининг қонталаш бўлиши, сариқ шилимшиқ модданинги йиғилиши кузатилди. Тана мускуллари атрофияга учраган, жағ ости, бронхиал, ўпкадаги девор ораллиги ҳамда тутқич лимфа тугунлари катталашган, турғун ҳолатда, айримларининг юзасида диапедезли геморрагиялар ривожланган.

Катта қорин, қатқорин ва тўрқорин суюқ озиқа массаси билан тўлган. Ширдон шиллик пардаларининг қон томирлари турғун ҳолатда, айрим жойларида нуктасимон ва доғсимон қон қуйилишлар кузатилди.

Жигар катталашган, қон томирлари қон билан тўлган, баъзи бузоқлар жигарида кўп сонли некротик ўчоқлар мавжуд. Кесиб кўрилганда некротик ўчоқлар паренхимага чуқур кириб борганлиги кўринди. Буйрақлар катталашган, юзасида нуктали қон қуйилишлар, кесиб кўрилганда паренхимаси шишган, қобик ва мия қисми чегараси билинмайди, гиперемия ҳолатида.

Ўпка шишган, юзасида нуктали қон қуйилишлар, кесиб кўрилганда бронх ва альвеолалари шилимшиқ аралаш суюқлик билан тўлган. Айрим бузоқларнинг ўпкасида, айниқса чап бўлағида гепатизация ва некротик ўчоқлар ҳосил бўлган.

III гуруҳ 3 ойдан катта бузоқлар колибактериозидида асосан сурункали кечганлиги туфайли улар жуда ҳам ориқ, айримларининг нафас олиши қийинлашган, бошқаларида доимий ич кетиш, тана ҳарорати кўтарилган, диапедезли қон қуйилишлар ва қоннинг суюқланиши кузатилди.

Колібактериоз юктирилган тажрибадаги насли бузоқлар организмидида қуйидаги патогистологик ўзгаришлар аниқланди:

I гуруҳ 5-30 кунлик бузоқларнинг ички аъзолари патогистологик текширилганда юрак-кон томирлари турғун, миокард мускул толалари кенгайган, нуқтали ёки диапедезли кон қуйилишлар мавжуд. Мускул толаларида донали дистрофия ривожланган. Эндокард оч рангда бўялган бўлиб, атрофида кон қуйилишлар кузатилди.

Ўпка альвеолалари бироз кенгайган, айрим бузоқларда фибринозли экссудатлар тўпланган, паренхиманинг кўп қисмида турли хил кон қуйилишлар кузатилди. Кон томирлари конга тўлган, томирлар девори юпқалашган, томир ичида кон плазмаси ва гемолизга учраган эритроцитлар тўпланган.

Жигар ва талоқда марказий вена кон томирлари ва тўсиқчалар, капилляр кон томирларида кон турғунлиги, бириктирувчи тўқималар ва тўсиқчалар орасида лимфоид инфильтрация, гепатоцитлар оч рангда, ҳажми бир неча бор катталашган.

Асосий патогистологик ўзгаришлар туткич ва ўпка девор оралиғи лимфа тугунларида кузатилди. Фолликулалар кенгайган, сероз экссудатлар тўпланиб, лейкоцит ва лимфоцитлар кўпайиб, майда-майда оролчаларга бўлинган, кон томирлари кенгайган, тўлақонли, томир ичида гемолизга учраган эритроцитлар, лейкоцитлар ва таёқча шаклидаги микроблар кўринди.

Буйрақлар капсуласида кенг кўламда кон қуйилишлар, коптокчалар, эгри-бугри ва тўғри каналчалар девори шишган, кон томирлар девори кенгайган, томир ичида кон плазмаси ва эритроцитлар билан бирга микроорганизмлар ҳам кўринади.

Ошқозон-ичакларда асосий патоморфологик ўзгаришлар ширдоннинг шиллик пардасида эпителий тўлиқ емирилган ва фибринли экссудат билан шилимшиқ масса қоплаган. Ичакларда кузатилган патогистологик ўзгаришлар бироз мураккаб бўлиб, айниқса ўн икки бармоқ ва ёнбош ичакларда гемодинамик ўзгаришлар кузатилди. Шиллик пардаларида ворсинкалар, крипталар ва эпителий тўқима хужайралари емирилган, кадоксимон хужайралар кўринмади.

II гуруҳ 1-3 ойлик бузоқларнинг ички аъзолари текширилганда патогистологик ўзгаришлар I гуруҳга ўхшаш, ammo касалликнинг сурункали ўтиши билан фарқ қилади.

Юрак кон томирлари кенгайган, девор хужайралари бўккан, томирлар атрофида лимфоид хужайралар тўпланган. Миокард ва эндокард қаватларида нуқтали ва доғли кон қуйилишлар I гуруҳга нисбатан анча кўп. Баъзи бузоқлар мушак толаларида донали дистрофия кучли ривожланган. Юракнинг айрим мушак толалари шишган.

Ўпкада пневмония кучли ривожланган. Альвеолалар ва бронхлар фибринозли экссудат билан тўлган, уларнинг ранги оч қизил бўлиб, деворлари калинлашган, атрофида лейкоцитлар кўп тўпланган.

Жигарда некротик ва дистрофик жараёнлар ривожланган. Некроз ўчоқлари эса кўп сонли лейкоцитлар, лимфоцитлар ва фибробластлар тўпламлари билан ўралган. Лимфа тугунларининг кобик қисмида фолликулалар кенгайган, лимфоидлар сони кўпайган.

resurs markazi
Inv No 14290

Ошкозон-ичакларда геморрагик ва некротик жараёнлар кузатилди. Шиллик ости каватида эса қон томирлари турғун, томирлар девори кенгайган, томир ичида эритроцитлар, лейкоцитлар ва таёқчасимон микроорганизмлар кузатилди.

Ичаклар шиллик каватида ворсинкаларнинг эпителий тўқималари емирилган. Емирилган тўқималар юзасида шиллик - катарал модда тўпланган. Шу моддалар атрофида гистиоцит, фибробласт ва лимфоид хужайралар кўп миқдорда тўпланган.

III гуруҳда текширилган барча бузокларнинг ички аъзоларидаги ўзгаришлар I ва II гуруҳ бузокларига ўхшаш, аммо бу гуруҳда патологик жараёнларнинг ривожланиши касаллик қўзғатувчисининг турига боғлиқлиги аниқланди.

I ва II гуруҳларга нисбатан III гуруҳда патогистологик ўзгаришлар бироз кучсиз ривожланган. Чунки бузокларнинг ёши 3 ойдан катта. Аммо бу гуруҳда ўзгаришлар бузокларнинг бачадонида катарал-геморрагик яллиғланишлар содир бўлиши билан фарқланади. Бошқа ички аъзоларидаги ўзгаришлар I ва II иккинчи гуруҳларда кузатилган ўзгаришларга ўхшаш. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур гуруҳда эшерихияларнинг таъсири кўпгина аъзоларда намоён бўлган ва мураккаб патогистологик ўзгаришларни келтириб чиқарган.

E.coli билан зарарланган бузоклар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, тажрибагача барча гуруҳлардаги кўрсаткичлар физиологик меъёр даражасидан ортиқ эканлиги, лейкоцитлар назорат гуруҳида $14,3 \pm 0,2 \cdot 10^9$ /л ни ташкил этиб, лейкограммадаги ўзгаришлар асосан эозинофиллар ва моноцитлар ҳисобига бўлиши кузатилган. Тажриба давомида барча гуруҳ бузокларида лейкоцитлар сонининг доимий камайиб борганлиги аниқланган. Лейкоцитларнинг бирмунча тез ва динамик камайиб бориши колибактериознинг ГОА формол вакцина ва Хз:сукцинат (4%ли) ассоциацияси қўлланилган I гуруҳ бузокларида қайд этилган. II гуруҳда эса лейкоцитлар сезиларли даражада камайган, III гуруҳда меъёрдагидан кескин ошган. Лимфоцитлар назорат гуруҳидаги бузокларда тажрибагача 17,43% ни ташкил этган бўлса, тажрибадан сўнг 28,8% бўлганлиги, тажриба гуруҳидаги бузокларда эса мос равишда 23,74-23,86% ва 31,8-31,7% ни ташкил этди.

Колібактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясининг иммун фаоллигини ўрганиш мақсадида Самарканд вилояти Тойлоқ тумани Қўрғонча маҳалласида жойланган «Siyob-Shavkat-Orzu» фермер хўжалигида 30 бош бузокларда тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажрибадаги 30 бош бузок 10 бошдан 3 гуруҳга тақсимланди. I гуруҳга биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 14 кундан сўнг 5 мл колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциацияси, II гуруҳ ҳам биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 14 кундан сўнг 5 мл миқдорда колибактериозга қарши ГОА формол вакцинаси тери остига эмланди. III гуруҳга назорат сифатида ҳеч қандай препарат қўлланилмади (3-жадвал).

Тажрибадаги бузоклар эмлангандан кейин 90-, 180-, 270- ва 360- кунларда қон намуналари олинди ва агглютинация реакциясида (АР) антителолар титри текширилди.

I гуруҳдаги бузоқлар қон зардобиди антителолар титри 90 кунликда 1:420; 180– 1:720; 270– 1:1160 ва 360 кунлигида 1:400 ни, II гуруҳда 90 кунликда 1:340; 180– 1:640; 270– 1:960 ва 360 кунлигида 1:360 ни ташкил этган. Натижада I гуруҳ эмланган бузоқларнинг иммунфаоллик самарадорлиги II гуруҳга нисбатан 90 кунликда 1,24; 6 ойликда 1,13; 9 ойликда 1,21 ва 360 кунликда эса 1,11 марта юқорилиги аниқланди.

3-жадвал

Бузоқлар колибактериозини профилактика қилишда ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциациясининг организмга таъсири

Гуруҳлар	Бош сони (10 бош)	Таҳлил турлари				
		AP титри (тажрибадан олдинги)	AP титри (эмламадан кейинги)	C реактив оксил (меъёр 0,1-0,3 мг/л)	IgM (меъёр 0,4-2,3 мг/л)	IgG (меъёр 7-16 мг/л)
I тажриба гуруҳи (вакцина+хитозан)	M±m	1:32,5	1:1040	0,35±0,031	2,5±0,24	15,8±0,16
II тажриба гуруҳи (вакцина)	M±m	1:30	1:920	0,30±0,027	2,2±0,02	14,6±0,11
III назорат гуруҳи	M±m	1:35	1:93	1:0,09	1:0,32	1:3,4

3-жадвал маълумотларига кўра, C реактив оксил иқдори, IgM ва IgG глобулинлар кўрсаткичлари эмланган ҳайвонлар организмда етарли иммуноген фаоллик мутаносиблигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синовлар натижаларига кўра, ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат ассоциацияси билан эмланган I гуруҳ бузоқлари организмда мустаҳкам турғун иммуногенликка эришилган.

Жадвал натижалари таҳлиliga кўра, вакцина ва иммуностимулятор эмланган бузоқлар организмдаги иммунологик кўрсаткичлар одатий вакцинацияга нисбатан фаолроқ эканлигини кўрсатди. III назорат гуруҳи ҳайвонлари организмда касаллик қўзғатувчисига нисбатан иммун реактивлик аниқланмади.

Лаборатория шароитида бузоқларнинг колибактериоз ва сальмонеллезни даволовчи гипериммун қон зардобини учун комплекс бактерия антигени олиш усули ишлаб чиқилган. Ушбу услуб асосида гипериммун қон зардобини тайёрланди ва ишлаб чиқариш шароитида колибактериоз билан касалланган 10 бош бузоқни даволаш учун жорий этилди. Бунинг учун гипериммун қон зардобини билан даволашнинг 1-кунини 10 кг тирик вазнга 1 мл, 2-кунини 8 кг тирик вазнга 1 мл ва 3-кунини 5 кг тирик вазнга 1 млдан тери остига юборилди. Тадқиқот натижаларига кўра, гипериммун қон зардобини билан даволаш усули одатдаги симптоматик даволашга нисбатан 90-95% терапевтик самара кўрсатди.

Бузоқлар колибактериозини профилактикасида ГОА формол вакцина ва иммуностимулятор хитозан сукцинат ассоциациясининг иктисодий самарадорлиги 1200 бош бузоқлар учун йилига 9087600 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Бузоқлар колибактериози 2013-2019 йиллар давомида асосан декабр-март ойларида Қашқадарё вилояти чорвачилик хўжаликларида 6,47–27 фоизгача, Самарқанд вилоятида 9,8–25, Сирдарё вилоятида 6,0–23, Жиззах вилоятида 9,2–16 ва Навоий вилояти хўжаликларида 6,6–18 фоизгача тарқалганлиги аниқланди.

2. Колибактериоз 5-30 кунлик насли бузоқларда ўткир шаклда кечиб, ўпкада шиш, қон томирларида турғунлик, буйрак капсуласи остида нуқтали қон қуйилиш, жигарнинг қатталашиси ва четларида некротик ўчоқлар кузатилиши, талоқда доғли қон қуйилиш, пульпасида кўп миқдорда қиринди тўпланиши ва гиперемия билан тавсифланади. Касалланиш $y=70,5\pm 0,91\%$ ва ўлим даражаси $y=44,05\pm 0,97\%$ ни ташкил этади.

3. Колибактериоздан ўлган насли бузоқлар ички аъзолари гистологик текширишларда ўпка альвеолалари дистелектаз ва ателектаз ҳолатига келганлиги, юрак мускул толаларида донатор дистрофия ривожланганлиги қайд этилди. Жигар трабекулалари ва капсулалари кенгайган, адвентиция қатламлари қалинлашган, талоқда лимфоретикуляр гиперплазия ривожланганлиги аниқланди.

4. Колибактериозга қарши ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат (4%) ассоциацияси билан эмланган бузоқ, қўзи ва қуёнлар организмда С-реактив оксил, IgM ва IgG иммуноглобулинлар миқдори ва антителолар титри (1:1600 гача) одатий вакцинацияга нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

5. Иммуностимулятор хусусиятли хитозан сукцинат препаратининг колибактериоз кўзгатувчисига поғонама-поғона суюлтириш даражасига кўра, бактериостатик таъсири 1:64, бактерицид фаоллиги 1:16 га тенг бўлди.

6. Хитозан сукцинат препарати организмда ацетилхолинэстераза ферменти фаоллигининг кескин пасайиши ва қонда ацетилхолин медиаторининг кўпайишига олиб келади. Натижада бузоқларнинг овқат ҳазм қилиш тизими морфофункционал ўзгаришлари ва химоя-мослашув жараёнларининг фаоллашувига ижобий таъсир қилди.

7. Бузоқлар колибактериоз ва сальмонеллезини даволаш учун қўлланиладиган гипериммун қон зардоби учун комплекс бактерия антигени олиш усули яратилди.

8. Колибактериоз билан зарарлаган бузоқларни даволаш учун гипериммун қон зардоби ёрдамида 5-10 кг тирик вазнига 1 мл миқдорда қўлланилиши, 2-3 кун муддат ичида 90-100 % терапевтик самарасини кўрсатди.

9. Колибактериозга қарши қўлланилган ГОА формол вакцина ва хитозан сукцинат(4%) ассоциациясининг иқтисодий самарадорлиги 1 сўм харажатга 4,5 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

НАУЧНО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРИИ

НАВРУЗОВ НУРАЛИ ИТОЛМАСОВИЧ

**РОЛЬ ПРЕПАРАТА ХИТОЗАН В ПАТОМОРФОЛОГИИ И
ИММУНОПРОФИЛАКТИКЕ КОЛИБАКТЕРИОЗА ТЕЛЯТ**

16.00.02-Патология, онкология и морфология животных.

Ветеринарное акушерство и биотехника репродукции животных;

**16.00.03-Ветеринарная микробиология, вирусология, эпизоотология,
микология, микотоксикология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/V4.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте ветеринарии.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samvmti.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.zivonet.uz).

Научные руководители:

Элмуродов Бозорбой Актамович
доктор ветеринарных наук, старший научный сотрудник
Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
доктор ветеринарных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Дилмуродов Насриддин Бабакулович
доктор ветеринарных наук, профессор
Ахмедов Баходир Назарович
кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация:

Государственный комитет по развитию ветеринарии и животноводства Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «78» 01 2022 г. в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 при Самаркандском институте ветеринарной медицины, по адресу: 140103, город Самарканд, ул.Мирзо Улугбека, 77. Тел./факс: (99866)234-76-86; e-mail: samvmti@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за №1280). (Адрес: 140103, город Самарканд, ул.Мирзо Улугбека, 77. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmti@edu.uz

Автореферат разослан «28» 12 2021 года.
(протокол рассылки № 17 от 29.12.2021 г.)



Х.Б.Юнусов
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д. биол. н., профессор

Ш.Х.Курбанов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, к. вет. н., доцент

К.Н.Норбоев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени,
д. вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время развитие животноводства в мире, обеспечение продовольственной безопасности, производство экологически чистой продукции, удовлетворение спроса на продукцию животноводства (мясо, молоко, яйца) является актуальной проблемой. Различные инфекционные и незаразные заболевания являются одним из основных факторов, сдерживающих развитие животноводства. В частности, «Колибактериоз телят распространен в животноводстве, характеризуется симптомами дисфункции желудочно-кишечного тракта, а энтеротоксичность и распространенность среди заболеваний составляют 11-29% в Канаде, 13-50,8% в США, 6% в Нидерландах, 58%» во Франции, 4% в Великобритании, 6% в Австралии и 6-47% в Израиле¹.

Во всем мире проводятся обширные исследования по диагностике колибактериоза телят, разработке современных методов лечения и профилактики. В последние годы ученые в этой области проводят исследования в новом направлении, связывая низкомолекулярные вещества с высокомолекулярными соединениями на основе связывания иммуностимулирующих лекарств с химическими полимерами. В результате проведенных исследований установлено, что комбинирование лекарственных веществ способствовало усилению спектра действия разработанных препаратов, позволило сэкономить расход препаратов и на лечения больных животных. Исследования воздействия полимеризованных и пролонгированных стимуляторов на организм широко изучаются в развитых странах по всему миру.

Систематически принимаются меры по увеличению и разведения количества завозных в страну племенных животных, профилактике и лечению их инфекционных и неинфекционных заболеваний. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «... особое внимание уделяется развитию сельского хозяйства, особенно животноводства»². В связи с этим важно ускорить исследования воздействия полимерных препаратов на организм и их применения в ветеринарной практике с целью диагностики, профилактики и лечения колибактериоза телят современными методами.

